

Наманган вилоятида жойлашган Чортоқсой соҳилида 200 ўринли болалар оромгоҳи очилди.

Ma'rifat

МАБРИФАТ • ХАЛҚ ЭПИТЕЛЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 11 июль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 54 (7353)

Da'vat

Агар мақсадсиз бўлсанг, ҳеч нарса қилолмайсан, мақсаднинг катта бўлмаса, буюк иш қилолмайсан.

Дени ДИДРО

JUM'ADA JANON

Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

"Интерконтинентал" меҳмонхонасида Исроил инфратузилма вазири Авидгор Либерман бошчилигидаги делегация аъзоларининг журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Чили апелляция суди собиқ диктатор, 85 ёшли генерал Аугусто Пиночетнинг рухий аҳоли суд курсида ўтириш даражасида эмас, деб қарор чиқарди.

Ҳазо секторидида Исроил ҳарбийлари ва фаластинлик жангарилар ўртасида яна бир тўқнашув рўй бериб, Фаластин ҳудудига бостириб кирган яхдуй босқинчиларнинг танклари ва бульдозерлари бир қанча биноларни бузиб ташлаган, беш нафар фаластинлик жароҳатланган.

Альп тоғларида йўқолган тўрт нафар альпинистдан учтасининг жасадлари топилди. Тўртинчисини излаш ҳамон давом этмоқда.


9 июль куни Хитойда 10 минг нафар кончилар иш ҳақи берилмаганлиги туфайли иш ташлаб, темир йўли харакати тўхтатиб қўйди.

Ироқ БМТ билан нефть экспортини қучайтириш масалалари бўйича музокарага киришди.

Хитой апрель ойидаги АҚШ самолётининг ҳалокатидан сўнг АҚШ суди вакилининг Гонконгга киришга рухсат беришга тайёр эканлигини маълум қилди.

"АВЕСТО"ДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ 3-бет

Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларидан бири — Ангрн шаҳрида бўлиб ўтган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги муассасалар бадий жамоаларининг мушаккилчилигининг 10 йиллигига бағишланган республика "Ўзбекистон қўшқ байрами" аяқий қўриқ-танловида ушбу тизимдаги энг иқтидорли ёшлар кашф



Qutlug' ostona

Аввал хабар берганимиздек, 6 июль куни мамлакатимиздаги 25 та олий ўқув юртида мустақил Ватанимизнинг сифат жиҳатдан янги кадрлари — магистрларга илк бора диплом ва кўкрак нишони топшириш маросимлари бўлиб ўтди.



ОЛИЙ МАЛАКАЛИ МАГИСТРАМ ЖЎШҚИН ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНА ОЛДИЛАР

Шундай муқаммал билимларга эга бўлдилар. 6 июль куни бутун республика бўйлаб бўлиб ўтган магистратура босқичи битирувчиларига диплом топшириш маросими ТДЮИда ҳам байрамга айланиб кетди.

Шундан сўнг, академик Ш.Раҳмонқуллов, профессор Ш.Шоҳраҳмедов каби устозлар, ота-оналардан А.Турсунов, О.Насриддиновлар бўлажак прокурорлар, судьялар, адвокатларга самимий тилакларини билдиридилар ва ўз навбатида, Ўзбекистон хуқуқий таълимининг илк магистрлари ҳам сўзга қийиб, Президент томонидан қўйилган бош мақсад — адолатли фуқаролик жамаияти ва демократик давлат қуриш мақсадида эришиш учун ўзларининг бутун кучи ва билимини бағишлагани ваъда бердилар.

Барча олий таълим муассасаларидаги каби олий малакали юрист илмий даражасини олган ТДЮИ магистрантлари ҳам миллий услубда тайёрланган магистрик либосини кийдилар. Уларга тантанана таъриф бурюрган Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Ш.Файзиев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакили О.Абдуваҳобов, Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг Малака ошириш маркази ходимларидан ташкил топган Давлат аттестация комиссияси раҳбари, профессор Э.Ҳақимов, комиссия аъзоси, доцент Р.Мухаммедовлар иштирокида Давлат герби тасвири атрофида зарҳал харфлар билан "O'zbekiston Magistri" сўзлари битилган кўкрак нишони ва "O'zbekiston Respublikasi Magistr Diplomi" топширилди.

Илк битирувчилар, умуман, ТДЮИнинг магистратура босқичи талабалари ҳақида кўпроқ маълумот олиш мақсадида Марказ раҳбари Самад Ҳамроевдан интервью олди:

— Самад ака, аввало, институтнинг мазкур марказида таълим олаётган талабалар ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

(Давоми 2-бетда)

14 йилдан сўнг

Интернет тизимининг амалиётга кириб келганлиги ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, у тез оммалашиб бормоқда. "Ксерокс" фирмаси тадқиқот маркази мутахассисларнинг ҳулоасида, 2015 йилга келиб дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми Интернетга боғлана олади.

ТИББИЁТ ТАРИХИДА ИЛК БОР

Ҳа, АҚШ шифохоналаридан бирида ҳали жаҳон тиббиёти тарихида учрамаган жарроҳлик иши амалга оширилди: инсон танасига механик тарзда ишлайдиган сунъий юрак ўрнатилди. Хабарлар айтилишича, сунъий юрак инсоннинг асл аъзоси каби ишламоқда. Беморнинг исми-шарифи ҳозирча ошкор этилгани йўқ.

ТОКИО ЕТАКЧИ

БМТ Аҳолишунослик маркази маълумотида таъкилланишича, яна 20 йилдан сўнг, аҳолиси 10 миллиондан ошқ бўлган шаҳарлар сони ўн тўққизтадан йигирма биттага етади. Рўйхат бошида турган Токио аҳолиси 26,4 миллион кишига етиб, етакчи ўринини сақлаб қолади.

ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИЛАДИ агар таъмир учун ажратилган маблағлар ўз вақтида берилса 2-бет

Фахр

Бу йил халқаро мактабнинг олти нафар битирувчисини АҚШ ва Буюк Британиянинг коллеж ва университетларида грант асосида ўқинишга қабул қилинди. Эътиборли томони шундаки,

ХАЛҚАРО МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ФОЛИБ

да БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан ташкил топган. Бугунги кунда мактабда 20 та мамлакатдан келган 138 нафар ўқувчи таълим оляпти. Шулларнинг тўртдан бир қисми Ўзбекистон фуқаролари фарзандларидир. Калифорниядаги танловда иштирок этган 11 нафар ўқувчилар орасида ўзбек фарзандлари ҳам бор эди. Ўқувчилар Америка таълим тизими асосида боғча ёшидан 12 синфни битирунганга қаар ўқити-

лади. "Ўзбекистон хазиналари" деб номланган бу сайтда юртимиз ҳақидаги ахборотлар, қизиқарли ҳикоя ва фотосуратлар қўлини туфайли ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

Сайтдан Ўзбекистон иқтисодий ҳуусидаги маълумотлар, миллий қийим ва таомлар, ҳайвонот олами ҳақидаги ҳикоялар ўрин олган. Юртимизнинг қадимий шаҳарлари, меъморилик ё-

Тўғри

Йўналтир аялпмизми?

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида шакллантирилган Ташхис марказлари нима мақсадада тузилди? Уларнинг ўрни нимадан иборат? Улар ўзларига юқлатилган вазифаларни нечоғли уддалаяпти ҳамда мавжуд муаммоларнинг ҳал этиш учун нима ишлар қилиш керак? Шу ва шу каби бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят тўғрисидаги ташхис марказлари ўрганилган эди. Тоқшириш аяқунларини муҳожама этиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирларини белгилаш мақсадида Республика таълим марказида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда профессор Ф.Шоумаров, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Ахлиддинов, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бошқирининг биринчи ўринбосари Х.Маъсудов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди ходимлари, республика ташхис Маркази, Тошкент шаҳар, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳамда туман халқ таълими бўлимлари мудирилари шаҳар ташхис марказлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек Тошкент вилоятидаги барча туман, шаҳар ташхис марказлари кадрлар билан деярли таъминланган. Уларда 21 нафар психолог, 19 нафар касбга йўналтирувчи, 16 нафар дефектолог, 21 нафар тиббий ходим ишламоқда. Вилоятдаги 892 та ўрта умумтаълим мактабининг 661 тасида мактаб психологлари фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 22 нафари олий маълумотли, 101 нафари эса 5-6 ойлик қайта тайёрлов курсларида ўқиган психологлар. Лекин 538 нафари, яъни 81,4 фоизи турли фан ўқитувчилари бўлиб, психологик йўналишда махсус тайёргарликка эга эмаслар.

(Давоми 2-бетда)

"O'zbekiston qo'shiq bayrami"

вожланишига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон халқ артистлари Комауна Исмоилова ва Гаҳвар Маткубувалар, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Ҳабибулла Раҳимов, санъат билим юрлари раҳбарлари Нортожихон Юсу-

хоро вилоятлари қатнашчиларига рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди. Бундан ташқари Марғилон енгил сановат касб-ҳунар коллежи талабаси Наргиза Фозиловага "Энг яхши овоз соҳибаси", Урганч қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежи

талабаси Камол Болтаевага "Энг яхши музика ижроси учун", Самарқанд педагогика билим юрти талабаси Шахноза Мамадалиева, Наманган педагогика билим юрти талабаси М.Мадраимова ҳамда Тошкент маданият техникуми талабаси М.Холбўтаевага "Энг яхши ижро маҳорати учун" номинациясидаги совғалар Ўзбекистон истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жағмармаси ҳамда Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий харакати Тошкент вилояти кенгаши вакиллари томонидан топширилди. Н.УСМОНОВ

ВАТАН МАДХИ ТОҒ БАҒРИДА ЯНГРАДИ

килинди, десак муболаға бўлмайди. Чунончи, бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан таширф буюрган тадбир қатнашчилари ўз қўшиқлари орқали Она-Ватанга муҳаббат, халқ, миллат бирлиги, унинг келажақ истиқболи, ҳаёт фаровонлиги ва тинчлигини дилдан қўшиб қўйладилар.

Маэкур санъат байрами Хоразм вилояти вакиллари — Урганч қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи бадий жамоаси бошлаб берди.

Республикаимизда миллий қўшқчилик санъатининг рив-

Иншоолах, йиллар ўтиб, бу рақамлар йириклашган пайтда Ўзбекистон катта илмий-интеллектуал бойлик эгасига айланган ва тараққиётнинг юксак чўққисига чиққан бўлади.

Коракўлга мақтабларнинг таъмирланишига ёрдам қилишнинг мақсади ҳар бир мақтабда турмушнинг раҳбарлардан бирини бириктириш ораб тўсила кираётди.



ДАРСЛИК ТАЪМИНОТИГА ҲАР БИР КИШИ МАСЪУЛ

(Боши 1-бетда)

Мажлисида Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи мовини Акром Мирсоатов ҳамда Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Саидхон Мирзабековлар рейда аниқланган камчиликларга муносабат билдириши, дарслик муаммосини бартараф этишнинг мақбул йўллари ва келаждаги режалари тўғрисида фикр юритдилар. Шунингдек, улар ушбу масалани ҳал қилиш борасида барча куч ва имкониятларни ишга солаётгани билдирилди. Мухими, янги ўқув йили аввалида иккала вилоят муттасаддилари махсус комиссияга дарсликлар муаммосини бўйича амалга оширилган ишлар ҳусусиди ҳисоботларини тақдим этишди...

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Ахмедов эса чоп этилиши режалаштирилган дарсликлар сони, сифати, шунингдек, уларга сарф қилинадиган харажатлар, нашр этилиб, сотилиб қолган дарсликлар тақдирини, "Ўзметбаат"нинг қорхонасининг ҳозирги кундаги аҳоли, айланма маблағларнинг моҳияти тўғрисида батафсил гапирди. У сўзининг якунида Давлат матбуот қўмитаси ва ХТВнинг қўшма ҳайъат мажлисини ўтказиш тақдирини киритди.

Шунингдек, долзарб мавзуга бағишланган мажлисида "Ўзбекистонда демократиянинг" ОАЖ бош директори Рўзимат Сапаев, "Ўзбекир-лаш" акционерлик компанияси раисининг мовини Уткир Мирпўлатовлар ўқув йили бошидан молиялаштиришни ташкил этиш, дарсликлар сотилиши мукамал йўл-йўригини излаб топиш, китоблар нарҳини бир мейёнда ушлаб туриш, тажрибалини ўрганиш орали дарсликлар таъминоти яхшиллаш йўлидан ўз тақдирларини ўртага ташладилар. Билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида мажлис қарори қабул қилинди. Унга қўра

Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари раҳбарларига 10 кун муддатда барча умумтаълим мактаблари ўқувчиларини 2001-2002 ўқув йилига дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш бўйича ҳокимликлар томонидан айланма маблағлар ажратилишига эришиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, муттасаддилар 2001-2002 ўқув йили учун нашр режасига киритилган ҳамда чоп этилган дарсликлар жойларга етказилиши, тақсимланиши ва сотилиши ҳақидаги маълумотларни (синфлар ва тиллар кесимида, номма-ном) Халқ таълими вазирлигига белгиланган муддатларда етказиб берилиши таъминландилар.

Ундан ташқари, қарорда улар ҳолий ташкилотлар томонидан 2001-2002 ўқув йили учун кўпқўналма билан ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш бўйича маблағ ажратилишига эришиш, янги нашр этилган дарсликлар сотуви бўйича ўқувчилар ҳамда ота-оналар орасида тарғибот олиб бориш, ҳар бир таълим муассасасида дарсликлар савдосини ташкил қилиш каби кундалик ишларга ҳам масъул эканлиги алоҳида қайд этилди.

Дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармасига эса умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш аҳолини "Ўзбекистонда демократия" ташкилоти ҳамкорлигида жойларда таҳлил қилиб чиқиш, давлат бюджетига ҳисобдан чоп этилган дарсликларни жойларга етиб боришни назоратлаш олиш ва барча вилоятларда мазкур аҳолини қисқа муддатларда ўрганиб чиқиш вазифаси юклатилди. Энг муҳими, мажлисида дарсликларни жойларга етказиб бериш муаммосини баҳамжикликда ечилишига ишонч билдирилди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

(Боши 1-бетда)

— Ҳозир институтимизда магистратура босқичида жами 138 нафар талабага билим берилмоқда ва бугун улардан 56 нафари таҳсилни муваффақиятли якунлашти. Марказимизда иккита йўналишда — криминал ҳуқуқ ва ҳусусий ҳуқуқ йўналишларида мутахассис кадрлар тайёрланмоқда.

— Битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилмоқда?

— Бундай етук кадрларга айнаи пайтда республикамизда талаб жуда катта эканлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Қолаверса, магистрантлар бакалаврият босқичида таҳсил олаётган кезлардаёқ 4 йил давомида давлат ҳокимияти ва вакиллик; ҳуқуқий муҳофаза қилиш; адлия органларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдилар.

Биринчи битирувчиларга келсак, С.Ҳамроевнинг айтишига қараганда, ушбу кунда таълимнинг ўта муҳим босқичини тамомлаётган шу сингари малакали мутахассисларнинг 3 нафарини республика Адлия вазирлигида, 42 нафарини прокуратура органларида, 11 нафарини юридик институтини ўзида иш жойлари қўйиб турибди.

Ҳа, ҳозир газетамиз саҳифасида Сиз кўриб турган дипломлар бугун "00001" рақамлари билан бошланди. Иншоолах, йиллар ўтиб, бу рақамлар йириклашган пайтда Ўзбекистон катта илмий-интеллектуал бойлик эгасига айланган ва тараққиётнинг юксак чўққисига чиққан бўлади. Юртимиздаги илоҳотларнинг дастлабки медаларини кўрганимизда, қалбимизни ана шу қатий ишонч қамраб олган эди.

Ботирхон ҒОҒУРОВ, "Маърифат" мухбири.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети педагог кадрлар тайёрлаш бўйича юртимиздаги таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга таъбиқ қилишида педагог ходимлар ўрни бекўеб. Миллий дастурга мувофиқ бакалаврлар билан бир қаторда бу йил ТДПУни 17 нафар ёшлар магистр даражасида тугатдилар.

Тантанали маросимни университет ректори, профессор Баҳром Қодиров бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртилари бошқармаси бош мутахассиси Эргаш Каримов, Осиё Тараққиёт банки вакили Томас Блэк, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ходими Лимона Ахмедова, ТДПУ химия кафедраси мудири, академик Юнус Топшўлатов, ўзбек классик адабиёти кафедраси мудири, профессор Хамидхон Ҳомидий ва бошқалар сўз олиб, катта ҳаёт бўсағасида турган ёш-

ларга омад, файрат ва шижоат тиладилар.

Тантана фақат тантана, байрам фақат байрам эмас. Магистр даражаси ўзига хос муваффақият билан бирга масъулият ҳамдир. Магистрлар номидан сўзга чиққан Хуршид Файзуллаев ва Ирода Режаметова зиммаларидаги масъулиятни теран ҳис қилаётганликларини, Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишга тайёр эканликларини айтишди. Энг эзгу ниятларини изхор қилган ота-оналар, йиғилганлар ҳам буни қайта-қайта таъкидлашди.

Миллий дастурни ҳаётга жорий қилишда малакали педагогларнинг хизматлари алоҳида ўрин тутишини айтган эдик. Низомий номидаги ТДПУнинг шундай етук кадрларни тайёрлашда ўз ўрни бор. Буни янги асрининг илк магистрлари ҳам тўла аналитикликлар уларнинг юзқўларидан, сўзларидан билиниб турди. Магистрларга вазирлик ва университет томонидан ажратилган Фахрий ёрлик, эсдалик совғалари топширилган, барча ёшлар жўр бўлиб, "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон" кўшигини ижро эттиди.

Хусан НИШОНОВ

Пойтахтимиздаги Тошкент

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ МАГИСТРЛАР ЖЎШҚИН ҲАЁТГА ЙЎЛДАНМА ОЛДИЛАР

Давлат иқтисодиёт университетида номлари ўлкаимизнинг янги тарихи саҳифаларида мангу муҳрланувчи биринчи магистрларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С.Ҳамроев, мазкур университетнинг ректори Р.Ҳамидов ва битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этдилар. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари каторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилаётган юртимиз келажакнинг эгаллари, янги илк қалдирғонлар чексиз ва ўзгача ҳаяжонда. Маросим тантанали равишда очилган, битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С.Ҳамроев топширди ҳамда уларга мурақаб ва ўз навабатида шарафли йўлларда метиндек ирода, ҳаётда эса мустақкам соғлиқ тилади. Битирувчилар юртимизда бекўеб янгиликларни ривожланиш жараёнида ўларнинг барча имкониятларини ишга солишга, эл-юрт ишончини оқлашга сўз бериши, магистрлик унвонини ҳимоя қилиш учун ёзган илмий ишларида яқиндан ёрдам берган устозларига дил изхорларини баён этдилар.

Райхон ХОЛМУРОДОВА

Тошкент молия институтининг магистратура бўлимининг илк бор 85 нафар магистр 7



та мутахассислик бўйича таомилдилар. Уларга диплом ва кўкрак нишонларини топшириш маросими тантанали тусда бўлиб ўтди.

Уни институт ректори, академик, Ўзбекистон Олий Мажлис депутаты М. Шариф-хўжаев кириш сўзи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг "Магистратура, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг биринчи битирувчиларига" юборган табригини ўқиш аштириш билан очиб берди. Ёш йигит-қизлар шодлигига шериқ бўлган анжуман иштирокчилари битирувчиларни самимий қутлашди. Уларни юксак масъулият ва

ва кўкрак нишони ҳамда 10 миң сўм пул мукофоти топширди. Шунингдек, анжуманга тақлиф қилинган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда ота-оналар битирувчиларни табриклар, уларга оқ фотиҳа бердилар. Маълумки, Тошкент Давлат аграр университети нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда энг йирик қишлоқ хўжалик олий таълим даргоҳларидан биридир. Ана шунинг учун бундай олий таълим муассасасининг илк битирувчи магистрларни қишлоқ хўжалиги соҳасидаги камчиликлар, дон экинлари, тупроқ билан боғлиқ масалаларга ўз

илмий ишларини бағишлаганлар.

Фарход ЭРДОШЕВ, "Маърифат" мухбири

СЎЗ — МАГИСТРЛАРГА

— Ноила МУЗАФФАРОВА, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистри: — Мен илмий ишнинг "Ўз-дунробита" мисолида коммуникация соҳасида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш методикаси бўйича ёздим ва маркетинг мутахассислиги бўйича магистрлик унвонини олдим. Мақсадим аждодларимиз орзу қилган келажак буюк юртни барпо этишда ўзимнинг муносиб ҳиссамини қўйиш.

Ирода РЕЖАМЕТОВА, ТДПУ педагогика ва психология факультетини магистри: — Мақтабдан ташқари таълим ва тарбия бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, бошланғич синфларда. Илмий излашларим мавзуси "Бошланғич синф ўқитувчиларини тарбиявий ишларга тайёрлаш асослари" деб номланади. Мавзу моҳиятини унинг номлашини тўла аналитика. Педагогика фанлари доктори, профессор Ма-

мат Хайдаров раҳбарлигида илмий тадқиқотларимиз аспирантурада ҳам давом эттирмакчиман. Мақсадим юртимиздаги таълим соҳасидаги оламшумул илоҳотларга ўз ҳиссамини қўйиш.

Муҳаммад УМАРОВ, агропроқнуошлик мутахассислиги бўйича магистр: — Менинг илмий ишим Тошкент вилояти Паркент тумани Сўқоқ қишлоғидаги тоғ тупроқлари, яъни Фарбий Чотқол тоғ ён бағри эрозияланган тўқ тусли бўз тупроқларнинг агроқимий ва физик ҳоссаларини яхшиллаш масалаларига қаратилган. Ҳозирги кунгача тоғ тупроқлари жуда ҳам ўрганилган. Мақсадим уларнинг унумдорлигини ошириш, эрозиянинг олдини олиш, тупроқларнинг сувга чидамлик қобилиятини янада чуқурроқ ўрганиш ва уларни амалда қўллашдир.

Эвелина БУДЖУРОВА, тармоқлар иқтисодиёти мутахассислиги бўйича магистр: — Мен бу икки йил давомида "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий илоҳотларни чуқурлаштириш шароитида молиявий кредит механизмининг ўрни" мавзусида ўз илмий тадқиқотимни олиб бердим. Бу даврда мен, асосан, долни экинларнинг ишлаб чиқишининг иқтисодий таъминлаш механизмига кўпроқ эътибор бердим. Тадқиқот жараёнида бир қанча муаммоларга дуч келдимки, бугунги кунда улар қишлоқ хўжалигидаги дон этиштирувчи хўжаликларнинг асосий муаммосидир. Яна ўқиш даврида мен АКШнинг Раттерс Кук коллежиде бўлиб кайтим ва у ернинг бу соҳада олиб беришган ишлари билан танидим. Асосий бурчим — мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги бу каби муаммо ва тўсиқларни яхши ўрганиб, уларни олдини олиш ҳамда молия-кредит механизми тараққиётига ўз ҳиссамини қўйиш, деб биламан.

Нилуфара ТУРДИЕВА, селекция ва урғулик мутахассислиги бўйича магистр: — Мен "Қаттиқ бўғдой ҳосилдорлиги, ҳосил элементлари ва унинг физиологик етилишига баҳо бериш" мавзусида иш олиб бердим. Чунки ўзбекистонда макарон, вермишель, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда жуда муҳимдир. Менинг мақсадим чет элдан келтиралаётган бундай маҳсулотлар ўрнини ўзимизда чиқарилган сифатли моллар билан тўлдириб, мақсадимиз бўйича мубайнида бу соҳада жаҳон коллекцияси намуналаридан ҳар хил белги ва хусусиятлари жиҳатидан устун келиши мумкин ва ўзимизга мос бўлган бир қанча энг яхши навларини таллаб олдим.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ТЎҒРИ ЙЎНАЛТИРАЯДМИЗМИ?

(Боши 1-бетда)

Марказда фаолият мониторинги юритилмаган, унинг туман, шаҳар таълим Марказларига кўрсатилган амалий услубий ёрдам деярли сезилмади. Улар фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари етарли эмас. Таълим Марказлари ва таълим муассасаларини мутахассис кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам вилоят таълим Марказида истиқбол режалари ишлаб чиқилмаган.

Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 28 февраль 2/4 сонли "Республика Ташхис маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини тўғрисида"ги ҳайъат қарори бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Мазкур ҳайъат қарориде Тошкент вилоятидаги таълим ишларга урғу берилган бўлса-да, вилоят таълим Маркази соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда бирон-бир тадбир белгиланмаган.

Фаолият таҳлил этилган Ангрэн ва Янгийўл шаҳар, Қуйи Чирчиқ ва Янгийўл туманлари таълим Марказларида 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига йўналтириш ишлари ҳам тизимли тарзда ташкил этилмаган. 6 ёшли болаларни тизимли қўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш ишлари уларни психологик-педагогик, дефектологик қўриқдан ўтказиш республика таълим Маркази тавсиялари ва низоми талабига жавоб бермайди.

Илгирлигида Тошкент шаҳар туманларининг айрим таълим Марказларида ҳужжатлар юритишда ягона талаб ишлаб

Пойтахтдаги "Турон" илмий универсал кутубхонасида "Электрон почта ва интернет хизматини кутубхона ва ҳуқуқий ахборот марказларида ташкил қилиш" мавзусида семинар ўтказилди. — Ҳозирги кунда ахборот технологиялари турмушимизнинг барча жаҳадларига жадал кириб келмоқда, — деди "Электрон почта ва интернет хизматини кутубхона ва ҳуқуқий ахборот марказларида ташкил қилиш" дастури муаллифи Улфат

«ТУРОН» ИНТЕРНЕТДА

Собирова "Туркистон-пресс" мухбири. — Интернет умумжаҳон тармоғидан фай, таълим, таъбиёт ва халқ хўжалигининг бой ҳазиналарида умулми фойдаланишни йўлга қўйиш керак. Интернетнинг айрим жиҳатлари ушбу бир кутубхонага ҳам ўқийди. Чунки Интернет битмас-туғамас ахборот манбаи ҳисобланиб, жуда кўп китоб, журнал, газета ва бошқа килдаги нашрларни ўз ичига олади.

Шунинг учун ҳозирги кунда кутубхоначиларини янги компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлашга, Интернет орали китобхонага хизмат кўрсатишга ўргатиш муҳим ишлардан ҳисобланади.

"Туркистон-пресс"

ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ ЗАРУР

Наманган шаҳар Давлатбод туманидаги 6-Оймома болалар боғчаси намунали тарбия масканларидан бири ҳисобланади. Ундаги 8 та гуруҳда 160 нафар жажжи ширинтой таълим-тарбия олаётди. Ушбу гуруҳларнинг соғлом, бақувват бўлиб воғта этилиши учун барча шароит мўҳай. Масканида таълим-тарбия нутқ устиришга йўналтирилган. Боғчада алоҳида жисмоний тарбия хонаси мавжуд. Гимнастика скамейкалари ва таёқчалари, халқача, узқоқа отиш, бошита қўйиб мувозанат сақлаш учун махсус халқачалар, мат, катта-кичик қоптоқлар, сетка, ҳовлида волейбол майдонлари шулар жумласидандир. Машгулотларни таърибдан жисмоний тарбия раҳбари Рустам Саидов қизқарган тарзда олиб бормоқда.

Боғчада янги педагогик технологиялардан истифода қилинган муаммоларни ечиш лавозинини таъбиқ этилмоқда. Ўз касбининг фидойилари — Эла Раимова, Ҳабоба Қомолова, Илмира Шопонхоева каби тарбиячилар мазкур услубга доир кўргазмалар қуроллар тайёрлаётдилар.

Жаҳиллар туғилмади бичиш-тиқиш, музыка, қўтироқ театри, спорт тугариқлари мўнтазам фаолият кўрсатмоқда.

— Нурийилларга таълим-тарбия бериш борасида, — деди болалар боғчаси усулчиши Нолира Худойбердиева, — содир бўлган муаммоларни имкон қадар ҳал қилиш керак. Лекин болаларнинг, саховатпеша инсонлар боғчалар бир аз ҳомийлик қилсалар, нур устига нур бўлади. 2001 йил — Оналар ва болалар йили муносабати билан масканида "Соғлом онадан соғлом бола туғилди". "Она билан бола — гул билан лоз", "Қизлар — бўлуси она" каби турани мавзуларда тадбирлар ўтказилди.

Дилбар ХУҲАЕВА

Айни кунда барча таълим ходимлари олдига ўз таълим муассасаларини таъмирлаш, янги ўқув йилига тайёрлаш вазифаси турибди. Ҳўш, бу ўта муҳим ва долзарб иш жойларда қай тарзда олиб борилаётди? Ҳокимликлар ва бошқа раҳбар ташкилотларнинг қандай муносабатларини қандай?

Махсус мухбиримиз яқинда Қашқадарь вилоятининг Китоб туманида бўлиб, туман ХТБ мудири Ашурали Курбонов билан худди ана шу ҳусусда сўбатлашдик.

— Ашурали ака, энг аввало, ХТБ тасарруфидаги таълим муассасалари ва уларни таъмирлашга оид қисқача маълумотлар билан таништирсангиз?

— Китоб тумани ХТБ тасарруфида 89 та мақтаб, 2 та лицей-интернат, 7 та мақтабдан ташқари муассаса, 1 та кечки мақтаб, 23 та болалар боғчалари мавжуд. Жорий йилда 24 та мақтаб ва 5 та боғчани тўла таъмирлашни, қолган муассасаларинини эса жорий таъмирлашни режалаштирганмиз.

Қашқадарь вилояти ҳокимиятининг 2001 йил 24 мартдаги 53-Ф сонли қарорининг қўри қилди Киртоб туманидаги 20 та умумтаълим мактабларини тўла таъмирлаш учун 21 миллион 644 миң сўм маблағ ажратилган. Шу кунга қадар ана шу маблағнинг 8 миллион 500 миң сўми берилди. Туман молия бўлимининг таълим муассасаларини таъмирлаш учун эса 4 миллион 688 миң сўм маблағ ажратилган. Бу маблағнинг 3 миллион 558 миң сўмининг мақтаблар учун, 1 миллион

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

— Ҳозирга қадар 50 дан ошқик муассасаларимизда жорий таъмирлаш ишлари низоюсига етказилди. Ойдин Собирова, Индира Ганди, Амин Умарий, Собир Раҳимов, Амали Икромов, Фузулий номли мақтабларда тўла таъмирлаш ишлари ҳам якунланди. Қолган

— Шу ўринда яна бир савол: жойларда мақтаб ва боғчаларни таъмирлаш ишида оталиқ ва ҳомий ташкилотлар, ота-оналар кўмағидан фойдаланиш қандай йўлга қўйилган?

— Дарҳақиқат, туман ХТБга қарашли А.Навий, Юсуф С.ХоҲожиб, А.Хўжаев, С.Айний, Шерозий, М.Кощгорий, М.Бедил номдаги мақтабларимиз жамоалари ҳам борки, улар тадбиркорлик билан иш юритиб, биздан ҳеч қандай маблағ олмасдан, оталиқ ва ҳомий ташкилотлар, саховатли ота-оналар кўмағи ва қўшимча тоған маблағлар ҳисобида илм масканларини жорий таъмирдан чиқардилар. Айримлари ҳатто ўқув хижозлари ҳам сотиб олдилар. Шу ўринда яна битта гап. Жорий таъмирлашдаги барча мақтаб ва боғчаларимизда таъмирлаш ишларини ўқитувчилар ва тарбиячиларимизнинг ўзлари амалга оширмоқдалар. Бу фидойилик учун ғурусатдан фойдаланиб, уларга раҳмат айтамыз.

Абдували ОБИДИН, "Маърифат"нинг махсус мухбири

барча муассасаларимизда таъмирлаш давом этапти. Нима десам экан, жорий таъмирлаш кечи билан июль ойи охирида якунланади. Тўла таъмирлаш ишлари эса якурида эслатиб ўтган маблағларнинг ўз вақтида етказиб берилишига боғлиқ. Туманимиз ҳокимиятининг ўзлари шахсан бу ишни назорат қилиб тўрибдилар. Ўйлайманки, янги ўқув йилида фарзандларимизнинг қанчаси жорий ёки тўла таъмирландан чиқарилади?

ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИЛАДИ

агар таъмир учун ажратилган маблағлар ўз вақтида берилса

100 миң сўмини болалар боғчаларини таъмирлаш учун ажратганмиз. Айни кунгача ана шу маблағнинг 850 миң сўми берилди, ҳоло. Жорий таъмирлаш ишларимиз учун эса 1 миллион 300 миң сўм маблағ ажратилган. Бу маблағни олганмиз. Ҳозирда мақтаб ва боғчалар учун оҳак ва бўёқлар олиб берилаёпти.

— Ҳозиргача муассасаларимизнинг қанчаси жорий ёки тўла таъмирландан чиқарилади?

ПРОКУРОР МАҚТАБ ҚУРИЛИШИГА БОШ-ҚОШ БЎЛАЁТИР

Қорақулда мақтабларнинг таъмирланишига ёрдам уюштириш мақсадида ҳар бир мақтабга тумандаги раҳбарлардан бирини бириктириш одад тўсила киреётди. Бу сафар Қорақул тумани прокурори 12-мақтаб таъмирлаш кўмаклашадиган бўлди. Прокурор Шухрат Ҳусенов туман раҳбарлари билан мақтур мақтабга бориб, уни қуздан кечирди.

— Бунинг ниясини ремонт қилоқчиликлар, — деди Ш.Ҳусенов — Ахир, мақтаб болалар устига қулайдиган аҳволда-ку, бундан кўра нариги чала қурилишни битказган яхши эмасми?


Прокурорнинг "чала қурилиш" деб атагани 1986 йилда бошланган ва 15 йилдан бун қурилиши пайсага солиналган мақтаб биносининг пойдевори эди...

— Мабағ тухтаб қолган, — Мабағни прокурор қаты-

Айримлар мийтида қулди. Прокурор катта кетди, деганлар бўлди. Прокурор давлат вазифасини бажариш билан бир вақтда маблағ қидириб қўп жойларга бош урди, елиб-югурди. Аҳолини тушунтириб, мабағ топади. Қурилиш материалларини арзонроқ олиш учун ҳам жон қойди. Навоий цемент заводига бориб, цемент келтиришга бош-қош бўлди. Оқибатда ун беш йилдан бери чала ётган мақтабда янги бошланди. Мустақиллигимизнинг ун йиллиги арафасида янги мақтабда ўқиш бошлангачи режалаштирилган.

Шухрат Ҳусеновнинг Қорақул туманига прокурор бўлагини унча қўп бўлгани йўқ. 2001 йилнинг март ойи охирида янги бошланди, айни пайтда савобла ишта ҳам қўп урди. Аслида ҳар бир раҳбар ишини чала хил бошлайдилар. Кимдир мақтаб қурилишига, касалхонага маблағ йўқ дейди-ю, ўзинга қар қуришга киришадилар, бешкидаги улга "ТИКО" совға қилишга маблағ топади...

Алишер ИЮСҒОЖОН ўғли



8-дарс

V ва F ҳарфлари

Ундос ҳарфлари ўрганишда давом этар эканмиз, янги алифбони осон ва пухта эгаллаш мақсадида ҳар бир ҳарфнинг ёзилиши ҳамда ўқилиши бошқа ҳарфлар билан қўшиб ўрганишнинг тавсия этилган. Бунда "ундош + унли" бирикмаси тарзида, яъни бўғин ҳосил қилиниши ҳисобга олиб иш кўриш лозим бўлади. Агар сиз ўрганиш ундос ҳарфларни унлар билан бирга қўшиб ёзсангиз, талаффуз ёндоқ, турлича бирикмада таққир ва таққир машқ қилиб борсангиз, қисқа муддат ичида лотин ёзуви асосидаги матнларни тўғри ҳамда тез ўқиш, ёзиш пухта ўзлаштирасиз.

нисбатан қулай бўлган ҳарфлардан бири бўлиб, бу белгининг катта ва кичик кўринишлари фақат ҳажми бўлишидан фарқланади. Босма шакли гарчи Y(y) (кириллчандаги й)нинг устки қисмига ўхшаш бўлса-да, ёзма шакли бирмунча фарқлидир: фақат сатр чизигининг устки қисмида ёзилиши кераклиги, ўнг томонининг уч қисми кейинги ҳарфга улашиши олдидан тугунчак кўринишига келтирилиши лозим бўлади. Ёзиб кўринг: V v va, ov, davo V(v) ҳарфи ҳозирги ўзбек тилида талаффузи хизматидан фарқланадиган кўринишларга эга бўлган товушни ифодаланиши унутмаслик лозим. Соф ўзбекча сўзларда V ҳарфи лабларнинг ўзаро жиспашуви натижасида ҳаво

V(v) ундоснинг жа-рангсиз жуфти лотин ёзувидаги янги алифбода F(f) ҳарфий белгиси орқали берилган. Бу ҳарфнинг катта кўринишидаги босма ва ёзма шакллари кирилл ёзувидаги F ундоси билан айнан бир хил ёзилади. Демак, катта F (кириллчандаги Ф)ни ёзишда қийинчилик сезмай-сиз. Масалан: Фитрат-Fitrat, Феруза-Feruza, Фориш-Forish каби. Аммо кичик f ҳарфини ёзиш бунчалик оson бўлмайди. Бунда кичик f нинг ёзма шаклини кўз олдигизга келтириб, сатр усти қисмига ўхшаш узунчоқ ҳалқани нисбатан каттароқ шаклда сатр остида ҳам чиқиб, юқориқроқ қисмидан белбоғча ҳосил қилсангиз, F ҳарфининг ёзма кичик шаклини ёзган бўласиз. Ёзиб кўринг: foal-faol, foto-foto, afsus-afsus. F(f) ундоси лаб-тиш ишти-рокида ҳосил бўладиган жа-

"АВЕСТО"ДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

"Авесто" китобининг яратилганига 2700 йил бўлиши ва бу сана шу йилнинг қузида кенг нишон-ланишини биллиб, шу ҳақда матбуотда чоп этилган мақола ва асарларни қизиқиб ўқиб юр-увда. Яқинда "Авесто" маънавий-этикимиз сарчашмаси (муаллифлар Х.Бобоев, С.Хасанов. 2001 й.) китоби қўлимга тушиб қолди. Иштиёқ билан ўқиб чиқдим ва маънавий меросимиз илдизи қадим замонларга бориб тақали-ниши ва бу "Авесто"дан бошлан-ишини англадим: "Авесто"да ёшлар муаммоси, қизлар ва йи-гитлар тарбияси ҳақида аждод-ларимизнинг қайиғганлиги, гам-хўрлиги менда катта таассурот қолдириди.

Кизиғи шундаки, "Авесто"да болалар — ўғил ва қиз тарбияси-га алоҳида ёндашилиди. Ўғил бо-лалар — йигитлар ақли, одоби, меҳнатсевар, ростўй, саҳий бў-лиш билан бирга жисмонан соғ-лом ва бақувват, забардаст бў-лишлари керак, чунки улар жан-говар ҳарбий ишга бурчлидир. "Авесто"да яна йигитлар кураш ту-шуши, чавандоз бўлиши, мол бо-қа олиши, чорвани йирткич ҳай-вон ва қароқчилардан муҳофа-за қила билиши, ҳарбий кураш-роқ ишлатиш малакасига эга бў-лиши, ўттиз икки хил ҳарбий хунари билиши кўрсатилади. Буларни ўқиб халқимизнинг "Бир йигитга қирк хунар ҳам оз" де-ган доно маколани эсладим. Мана шу нуқтанан назардан қараган-да, биз, ҳозирги ёшлар ўз устим-из-да доим ишлаб, етук баркамол ав-лод бўлишига ҳаракат қилмоғимиз зарурдир.

Биз ҳозир соғлом, баркамол авлод, соғлом турмуш тарзи, ақлий-маънавий тарбия деб ата-ётган тушунчалар "Авесто"да ҳам борлигига нима дейсиз. Еки бил-лими, ўқимишли ва ишбилар-мон ёшлар бўлишини орзу қилиш ҳозирги кунда ҳам энг долзарб-ку! Асардаги "Менга хо-надоним, қишлоғим, шаҳру мам-лакатим шўхратини дунёга қўз-қўз қиладиган ўқимишли, ишби-лармон, соғлом ўғлон бер" деб қилинган мурожаат ҳудди ҳозир ай-тилгандек зардуш таълимоти-да ёшлар тарбияси алоҳида ўр-нин тутди: "Тарбия — ҳаёт та-янчи. Ҳар бир ёш одобли бўлсин, аввал ўқиши, сўнгра ёзиши ўрганиши", дейилибди. "Ахура-Мазда"га қилинган қуйидаги ил-тижони эътиборингизга ҳавола қилмоқчи лозим кўрдим.

"Авесто"даги қиз болалар ва уларнинг тарбияси ҳақидаги фикрлар ҳам диққатга сазовор-дир: "Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўр-ганишига жиддийроқ қаришсинлар. Чунки улар ўзлари тузилган хо-на-донда ота рўзгорини тартибга со-либ, уйга зийнат бериб юрсалар, жуфти-халолли уйига берган, кел-а-жак насл фарзандлар" тарбия-си билан машғул бўлмоқлари, шу-нидан ил йигитини, мато тўқиш, ли-бослар тикиши ҳам билишлари" лозим. Балогат ёшига етган қиз-лар рўзгор юритиши ўрганиб, уй бекаси "каддон" бўладилар.

"Яхшилик гоёсига, соғлом, ақли-хуши тетик фарзандларга, жасур, доно, турли тилларни би-ладиган ўғил-қизларга, узокни кўрадиган, юртини бало-қазодан ҳимоя эта оладиган ўғлонларга, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан қўз билан кўра оладиган пок зийнат авлодларга олқишлар бўлсин". Эътибор берган бўлсан-гиз илтижода "турли тилларни биладиган ўғил-қизлар" олқиш-ланмоқда. Мустикал юртимиз ак-сарият ёшлари каби менда ҳам турли тилларни, хусусан инглиз тилини билишга қизиқиб бор. Ҳозир Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини қошидаги тайёрлов курсида инглиз тил-лидан сабоқ олмоқдам ва маз-кур университетнинг инглиз фило-логияси факультетига ўқишга кириш ниятидаман.

"Авесто"даги ёшлар тарбияси-га оид айрилган ва ажиб фикр-лар ҳозирги Мустикални йўқотма-нида ҳам ўз аҳамиятини йўқотма-ни. Ҳозирги ҳар бир ёшнинг ўзи туғилиб, ўсиб-ўлғайган замани—Мустикал Ўзбекистонга муносиб фарзанд бўлиб тарбияланишида "Авесто" китобининг тарбиявий аҳамияти борлигини эндиликда ҳеч ким инкор эта олмайдди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ўтмиш-да ёшларни тарбиялаш жараёни ҳозиргидан тубдан фарқланувчи шариқат кечган. Бизнинг даври-мизда, Мустикаллик йилларда ёшларни гоёвий тарбиялаш усту-вур, уларни миллий гоё ва маф-кура руҳида тарбиялаш асосий вазифа ҳисобланади.

Азизбек НАЗАРОВ, Тошкент шаҳридаги 103-гимназия битирувчиси

География дарсларининг қизиқарлили-гини оширувчи, ёш-ларимизни миллий, маънавий руҳда ка-молга етказувчи куд-ратли омиллардан бири ўтган алломала-римиз илмий мероси-дан фойдалана били-шимиздадир. Ана шундай алло-маларимиздан бири туркман шоири Мах-тумқулдир. Махтум-қули бутун Туркистон халқларига ўзининг фалсафий мазмунда-ги назимий асарлари билан танилган сайёҳ шоир бўлиб, у бутун Туркистон шаҳарла-ри, Озарбайжон, Аф-ғонистон, Эрон, Тур-кия, Покистон ва Рос-

дан қуйидагича фой-даланиш мумкин: Уқитувчи — тоғлар-нинг асрлар ўтиши билан табиатдаги эк-зоген ва эндоген куч-ларга натижасида ўзгаришга учраши, емирилиб боришини мисоллар ёрдамида тушунтиради. Ўқувчи-ларда маълум тушун-ча ҳосил бўлгач, улар-нинг билимларини Махтумқули асарла-ридаги қуйидаги тўртлик билан янада мустаҳкамлашга эри-шиши мумкин. Қора тошли боши туман бу тоғлар, Тупроқ булар қора тошдан айрилса, Сел бўлар ағдари-либ оқар булоқлар,

ли шеърдан қуйидаги парчани ўқиб, ўқувчи-лардан шеърни диққат билан тинглашлари ва мазмунини гапириб бе-ришларини сўраса, ижобий натижа беради. Тоғлар — ернинг ми-хидир; Баланд тоғлар, буюк-ликда гердайма, Хумчада сув бўлган зардек бўларсан, Теран дарё хайба-тинга кеккайма, Вақтинг етса, қуриб ердек бўларсан. Ўқувчилар шеърнинг мазмунини ҳақида ўз му-лоҳазаларини гапириб берадилар. География ўқитувчиси уларнинг

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

Ундосларни биз тавсия этаётган усулда, яъни жуфт-лаб ўрганиш орқали бу икки бир-бирига яқин ундосларни ўзаро фарқлаштириш, улар-ни ёзиш, талаффуз қилиш ва ўқишда қалқашликка йўл қўймайлик, айрилиши ва ёзилишидаги номувофиқлик кўринишларини тезда ажра-та олишни ўрганаёсиз. Шуни унутмангки, алифбоддаги ҳар бир ҳарфнинг ёзилишини-на биллиб олиш кифоя қил-майди. Ҳарфларни тўғри ёзишнинг асоси шу ҳарф ифодалайдиган товуш ва унинг вариантларининг нутқ-да зухур этилиши, бошқа то-вушлар таъсирида ўзгара-ман тўлиқ тавсифи билан ўрганишда эканлигини унут-манг. Иккинчи жиҳатдан, ҳар-фининг тўғри ўқилиши, яъни ўқишда адабий тилнинг та-лаффуз мейёрларига амал қилиниши ҳам зарурки, бу талаб сўзларни тўғри ёзиш, илмий хатоларга йўл қўймайлик, таъминлайди. Демакки, алифбони пухта ўзлаштиришда ҳарф-товуши-мило муносабатини тўғри тушушдан ҳолда иш кўриш мақсадга мувофиқдир. V(v) лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида ёзилиши

оқимининг сирғалиб қи-чишдан ҳосил бўладиган жарангли товушни ифода-лайди. Бу товуш V ҳарфининг лаб-лаб кўриниши ҳисобланади ва ўзбекча сўзларнинг асосан ўртаси ва охирида қўлланади. Ма-салан: овқат — ovqat, совиди — sovidi, палов — palov, танлов — tanlov каби. Ўзбек тилига форс-то-жик, араб, рус тиллари ор-қали ўзлашган сўзлар таъ-сирида V ундосининг лаб билан тиш муносабатида юзага чиқадиган бошқа ва-рианти ҳам пайдо бўлади. Демак, олдингисидан пай-до бўлиш ўрнига кўра фарқланадиган лаб-тиш V ундоси, асосан, олинма сўзларда қўлланади. Ма-салан: волида-volida, вақил-voqal, водий-vodiy, вокзал-vokzal, валюта-valyuta каби. Сўз ўртасида ёки қўпичча, сўз охирида келувчи V ун-доси талаффузда баъзан п ёки F товушларига ўтади. Лекин қондага мувофиқ до-имо V билан ёзилиши ло-зим. Қаранг: автобус-avtobus-avtobus, авто-артон-avtol, Олимов-Оли-мов-Olimov

рангсиз товуш бўлганлиги учун ҳам қўпичча уни V товушининг лаб-тиш варианты билан ал-маштириш хоҳлари учрайди. Гарчи талаффузи бир-бирига яқин бўлиб тўлса ҳам, аввал-ло, бу кичик товушни талаф-фузда фарқлаш, сўнгра эса тўғри ёзишга одатланиш ло-зим. Чунки бу ҳарфларни но-тўғри ўқиш ва ёзиш сўз маъ-носининг ўзгаришига олиб ке-лади. Масалан: shavkat-shafqat, afzal-avzal, xavf-xafa, ovqat-otqat, tavsifiya-tavsif. Айрим сўзларда, f ҳарфининг ай-тили-шида P товушига мойиллик сезилади. Аммо сўзлаб тури-лидаги бу ҳолат адабий талаф-фуз мейёрига мос келмасли-гини унутманг ҳолда, сиз им-лода хамиша f тарзида ёзишга одатланинг. Қаранг: дафта-рдаftar-daftar; арафа-arapa-arafa; саф-can-saf; тафт-таft-taft каби. 1-топширик. V товушининг f га ўтиши қўзатиладиган сўзларни қисқаб ёзиш. На-муна: afv-af, kavsar-kafsar каби. 2-топширик. V ва F ундос-ларининг сўз охирида P тову-шига ўтишига 10 та мисол то-пиб, бу сўзларни икки усту-нга ажратиб ёзинг. Намуна: savsar kaf, arafa orit Абдурозик РАФИЕВ, филология фанлари номзоди, доцент

ГЕОГРАФИЯ ВА НАЗМ

География дарсларида Махтумқули назимий асарларининг таълимий ва тарбиявий аҳамияти сиянинг жанубий ша-ҳарларига саяҳат қил-ган. Шу бос, унинг асарларидан мактаб география таълими жараёнида фойдала-нишни таълим жара-ёнининг қизиқарли-лигини оширади. Чун-ки, унинг шеърий асарлари табиат ман-заралари, табиий жа-раёнлар ва ҳодиса-лардан завқланиш асосида дунёга кел-ган. Бу ҳодисаларни шакллантирувчи гео-график қонуниятлар-ни ўқувчиларга ту-шунтиришда шеър-ий йўллардан фойдала-ниш уларнинг хотира-сида маълум из қол-диришида аҳамият-лидир. Масалан, 6-синф "Умумий табиий гео-графия" курсидаги "Тоғларда жинслар-нинг хусусиятлари ва жойлашуви. Бурмали ва палахсали тоғлар-нинг ўзгариши" ном-ли мазмунни ўрганиш довомида Махтумқу-ли назимий асарлари-ни ўқиб, унинг шеър-ий асарлари табиат ман-заралари, табиий жа-раёнлар ва ҳодиса-лардан завқланиш асосида дунёга кел-ган. Бу ҳодисаларни шакллантирувчи гео-график қонуниятлар-ни ўқувчиларга ту-шунтиришда шеър-ий йўллардан фойдала-ниш уларнинг хотира-сида маълум из қол-диришида аҳамият-лидир. Масалан, 6-синф "Умумий табиий гео-графия" курсидаги "Тоғларда жинслар-нинг хусусиятлари ва жойлашуви. Бурмали ва палахсали тоғлар-нинг ўзгариши" ном-ли мазмунни ўрганиш довомида Махтумқу-ли назимий асарлари-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ Тошкент давлат техника университети РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ 2001-2002 ўқув йили учун танлов асосида қабул эълон қилади Республика лицей-интернатига умумтаълим ва махсус мактабларнинг 9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилари ҳамда техника, иқтисодиёт ва кимё-технология соҳасига қизиққан иқтидорли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Хужжатлар 2001 йилнинг 20 июнидан 31 июлигача қабул қилинади. Тест (имтиҳон) синовлари математика, физика, она тили ва адабиёти фанларидан 1-10 августгача бўлиб ўтади. Лицей-интернатда математика, физика, информатика, кимё, она тили ва адабиёти ҳамда инглиз тили фанлари махсус дастур асосида чуқур ўргатилади. Машғулотларни университетнинг ҳамда лицей-интернатнинг тажрибали профессор, доцент ва олий тоифали ўқитувчилари олиб боради. Республикада муваффақиятли ўтган ўқувчилар ётоқхона ва овқат билан бепул таъминланади. Республика, вилоят олимпиадалари ғолиблари йўналиш бўйича лицей-интернатга танловсиз қабул қилинади. Лицей-интернатга қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари керак: —ўқув муассасаси директори номига белгиланган шаклдаги ариза; —туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси); —доимий яшаш жойидан маълумотнома; —9-синф маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси); —086—У формаси бўйича табиий маълумотнома; —3x4 ҳажмдаги 4 та фотосурат; —худудий касб-хунарга йўналтириш ва психология-педагогик ташхис маркази тавсияномаси. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700095, Талабатур шаҳарчаси, ТошДТУ 53-ётоқхонаси. Телефонлар: 46-69-02, 46-08-78.

"УСТОЗ" РЕСПУБЛИКА ЖАМГАРМАСИ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли «Устоз» Республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида»ги қарорининг 4-бандини бажариш, яъни республикамизда педагогик фаолиятнинг ижтимоий мақоми ва обрў-эътиборини ошириш мақсадида «Йилнинг энг яхши мураббийси», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» ва «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» кўрик-танловларини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Танловларда республикамиздаги барча таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчи ходимлари таркибидан олий маълумотли бўлган ва қуйидаги мезонларга жавоб берадиган Ўзбекистон фуқаролари қатнашиши мумкин: — Танланган мутахассислиги бўйича узлуксиз 5 йиллик меҳнат фаолиятига (иш стажига) эга бўлган ва ўз соҳасини мукаммал ўзлаштирганлар; — Илмий-услубий ва ўқув-тарбиявий жабҳаларда тадқиқотлар юритувчи, узлуксиз таълим тизимининг етук ходимлари ва ташаббускорлари; — Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий жабҳаларда чуқур билимга эга ва ўз билимидан мураббийлик, ўқитувчилик ва илмий раҳбарлик фаолиятида самарали фойдалана оладиган ўқитувчилар ва ходимлар; — Юқорида қайд этилган тамойилларни ўқув-тарбиявий соҳаларда чет эллардаги илгор тажрибалар ва бошқа мавжуд янги усуллар билан ижобий мувофиқлаштирувчи ва-танпарвар, миллий маданиятимизнинг етакчи вақиллари; — Ўқувчиларнинг (шоғирдлари ва талабалари) юқори даражадаги тайёргарлиги, маънавий дунёси, билими, маданияти, ахлоқ иродаси, ватанпарварлик хусусиятлари аққол кўзга ташланадиган муҳим ижтимоий-педагогик кўрсаткичларга эга шахслар. Танловларда қатнашиш истагини билдираётган ва унвонга талаборларнинг ҳужжатларини жамғарманинг тегишли вилоят бўлиmlари қошида ташкил қилинган танлов комиссияси қабул қилади. Танловда қатнашишга тавсия этилган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар. — Таълим муассасаси тавсияномаси; — Олий ўқув юртини тугатганлиги, илмий даражаси, унвони ҳақидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаси; — Матбуотда эълон қилинган (алоҳида шакл бўйича) ишлар рўйхати; — Ходимларни ҳисобга олиш шахсий ва-рақаси; — Меҳнат дафтарчасидан кўчирма; — фотосурат (2 дона), (3x4 ҳажмдаги); — рейтингни аниқловчи таълим муассасаси тўғрисидаги сўров анкета (қайси танловда қатнашишига қараб, вилоят бўлиmlари-дан тегишли рейтинг сўровини олиш ло-зим); — юқори малака мутахассислигини ва педагогик фаолиятидаги ютуқларини бел-гилайдиган бошқа ҳужжатлар. Юқорида қайд этилган ҳужжатлар тавсия бераётган таълим муассасаси томонидан тасдиқланиши ва энг кечи билан 1 сен-тябрда жамғарманинг вилоят бўлиmlари-га топширилиши лозим. Барча танловларимиз 2001 йилнинг 10 сентябридан бошланиб 4 босқичда ўткази-лади. Биринчи босқич (эълон матбуотда чоп этилган кундан 10 сентябрда) зарур ҳуж-жатларни тайёрлаш, кафедра ва бошқа бўғинлар тавсиялари ва унвонга даъвогар-ларга бўлган талаб-меъzonларни ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаси томонидан ўтказилади. Таълим муассасаси ўқитувчи-нинг рейтингини чиқаради, рейтингнинг яку-ний баҳоси асосида таълим муассасанинг тавсияномаси (исталган шаклда) ишлаб чи-қилади ва номзоднинг ҳужжатлари «Устоз» Республика жамғармасининг вилоят танлов бўлимига юборилади. Иккинчи босқич (10 сентябрдан 15 сен-тябрда). Рейтингнинг умумлаштирилган на-тижалари, тақдим этилган ҳужжатлар асо-сида жамғарма вилоят танлов бўлими то-монидан ўтказилиб, барча таълим муасса-салари номзодлари кўрсаткичлари дара-жасининг зарур талабларга мувофиқлиги аниқланади.

Учинчи босқич (17 сентябрдан 22 сен-тябрда). Танлов ғолибига бўлган умумий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли унвонга даъвогарнинг фаолияти тўғрисида-ги аноним экспресс-анкета жамғарма тан-лов бўлими томонидан, танловнинг аввалги босқичларидан муваффақиятли ўтган ном-зодларни тавсия этган муассасаларда, жой-ларга бориб ўтказилади. Экспресс-анкета ва рейтинг натижалари асосида комиссия ном-зоднинг умумий балини чиқаради ва бо-сқич ғолибини аниқлайди. Шу босқич ғоли-би ҳужжатлари, экспресс-анкета натижа-лари билан биргаликда «Устоз» Республика жамғармасига юборилади. Тўртинчи босқич (22 сентябрдан 26 сен-тябрда). Низомга мувофиқ Республика тан-лов комиссияси жамғарманинг Қорақалпо-ғистон Республикаси ва барча вилоятлар-да танлов бўлиmlари тақдим этган унвон совринларига даъвогарларнинг ҳужжатлари-ни кўриб чиқади ва тегишли мезон-кўрсат-кичларга асосан танловлар ғолибларини аниқлайди. Шунингдек, «Устоз» Республика жамғар-маси оммавий ахборот воситалари орқали танловлар якунларини эълон қилади. Танловлар ғолибларини муқофотлаш ма-росими ўқитувчилар ва мураббийлар кун-и-да ўтказилади. Танловларда қатнашиш учун ҳужжат-ларни топшириш ҳамда танловлар бо-сқичларида қатнашиш бўйича қизикти-раётган барча саволлар, шу жумладан, тан-лов шартлари ва низомлари талаблари, рейтинг шартлари, экспресс-анкета маъл-лумотлари тўғрисидаги барча саволлар билан жамғармасининг вилоятлардаги бўлиmlарига бевосита Республика «У-стоз» жамғармасининг қуйидаги манзили-да жойлашган маъмуриятга мурожаат этишингизни сўраймиз: Тошкент ш, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй, телефонлар: 132-60-94, 132-60-17, факс 132-60-16; e-mail: office @ ustoz.freent.uz

